



**OZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI**



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI**

TA'LIM TIZIMIDA CHET TILLARNI O'RGANISHNING ZAMONAVIY MUAMMOLARI VA ISTIQBOLLARI

MAVZUSIDAGI XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMAN



5-6 mart 2020 yil

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ФАКУЛЬТЕТИ**

НЕМИС ВА ФРАНЦУЗ ТИЛЛАРИ КАФЕДРАСИ

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ
МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Халқаро илмий-амалий анжуман

5-6 март 2020 йил

**MODERN PROBLEMS AND PROSPECTS OF LEARNING FOREIGN LANGUAGES
IN EDUCATIONAL SYSTEM
International scientific-practical conference**

March 5-6, 2020

**СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫМ
ЯЗЫКАМ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЕ Международная научно-
практическая конференция**

5-6 марта, 2020

БУХОРО – 2020

берсангиз, олиб кетаман. Ўз қарамогимга олсам. Менинг ҳам соғлигим ночор, бирор нарса бўлиб қолсам, болалар меросга эга бўлишсин (ЎХЭ. Сехрли нон, 56).

2. *Чориқул ва онаси қувона-қувона тер тўкиб меҳнат қила бошлабдилар. Улар бу ерга шолғом экибдилар. Тинимсиз меҳнат қилибдилар.*

Мазкур эртақларда модалликнинг истак-хохиш, розилик, илтимос, ҳолат, темпораллик каби турлари, рози бўлишлик (яшириниб келган) мотиви ҳамда миннатдорчилик билдириш, қувонч, шукроналик ва хурсандчилик меҳрибонлик концепти кабиларни, лингвомаданиятшунослик хусусиятларини кузатиш мумкин.

Француз миллатининг яна бир муҳим жиҳатини акс эттирувчи аксиологик модаллик билан тус олган «бағрикенглик» (қадриятни ифодаловчи доминантлар: «яхшилик», «оққўнгиллилик ва доим ёрдам қўлини чўзишга тайёрлик», «ёрдам кўрсатилганда хурсандчилик») (5%) концептилари билан ифодаланган.

Халқнинг характери ва уни ташкил этувчи ўзига хос хусусиятларини аниқлаш жуда мушкул вазифа бўлиб, ўзбек ва француз миллати шахсига хос хусусиятлар бошқа кўп миллатларга ҳам хосдир. Шунга қарамай, ажратилган маданий доминантлар ўзбек ва француз эртақларида «ўзбек ва француз миллий характери»ни энг юқори даражада ифодаловчи ҳамда айнан ўзбек ва француз кишининг миллий ўзига хосликларини фарқловчи лисоний воситалардир. Мазкур лисоний воситалар модал маънолар системасининг умумий, қиёсий-типологик жиҳатларини очиб бериш, уларни ёрқин ифодалаш ва ички лисоний дунё манзарасининг миллий-маданий хусусиятларини аниқ акс эттириш имконини беради.

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШ ЛУҒАТЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШИГА САБАБ БЎЛДИ.

Жўраева М.М. БухДУ, ф.ф.д.

Ҳожиева Г.С. БухДУ мустақил тадқиқотчи

Калит сўзлар: лексикология, семантика, семасеология, этимология, лексикография, металингвистика, корпус, принцип, макроструктура, микроструктура, миниатюра, ғазал, дoston, китъа, рубойи, чистон, мухаммас, фард, мустаҳзод, афоризм

Ключевые слова: лексикология, семантика, семасеология, этимология, лексикография, металингвистика, корпус, принцип, макроструктура, микроструктура, миниатюра, газель, дастан, китъа, рубаи, загадка (чистон), мухаммас, фард, мустаҳзод, афоризм

Key words: lexicology, semantics, semasiology, etymology, lexicography, metalinguistics, corpus, principle, macrostructure, microstructure, miniature, gazel, dastan (story), quitah (story), rubai (quatrain), chiston (riddle), muhammas, fard, mustahzod, aphorism.

Аннотация: Ушбу мақолада лисон, сўз бойлиги, луғат ва унинг турлари шунингдек, Алишер Навоий ижодига бўлган катта қизиқиш сабабли луғатларнинг яратилиши ҳақида сўз боради. Мутафаккир меросини ўрганиш бўйича амалга оширилаётган сай-ҳаракатлар ҳақида ҳамда Алишер Навоий асарларининг француз, инглиз ва немис тилларидаги таржимаси хусусида фикр юритилади.

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы создания словарей с учётом имеющегося большого интереса к языку, богатству слов, словарям и их типам, также к творчеству Алишера Навои. В ней также исследуются действия по изучению наследия литературного деятеля и переводы произведений Алишера Навои на французский, английский и немецкий языки.

Annotation: The given article investigates the matters of lexicography with the consideration of the existing big interest towards the language, word stock, dictionaries and their types as well as Alisher Navoi's literature. It also analyses the actions related to the study of

Navoi's heritage and the translations of Alisher Navoi's literary works into the French, English and German languages.

Маълумки, тил миллий маданиятнинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади, сўз эса, халқ маънавияти, фалсафаси ва тарихини тушунишга имкон берувчи воситадир.

Жаҳон тилшунослигида ҳар бир миллий тилнинг ўзига хос хусусиятларини илмий асосда ўрганиш ҳамда уларни келажак авлодга етказиш илм-фан жадал ривожланган бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Тилдаги сўз бойлигини ўрганмай туриб, халқнинг ўзлигини ифодаловчи бой маънавий мероси ҳамда тарихини мукамал билиб бўлмайди. Бу борада лексикологияга мурожаат этиш ўринлидир, зеро у, тилшуносликнинг муҳим бўғини сифатида, тилнинг луғат таркибини, сўз бойлиги, ҳамда сўзларнинг маъносини ўрганади. Шу жиҳатдан лексикология ўз ичида семантика, семасеология, этимология, лексикография каби бўлимларига бўлинади. Жумладан, семантика, семасеология – сўзнинг луғавий маъносини, этимология – сўзларнинг келиб чиқиши, лексикография эса сўзларни кодлаштириш, рўйхатга олиш, тил бўйича тузилган луғатлар ва луғат тузиш принципларини ўрганувчи фан ҳисобланади.

Луғат сўзи арабчадан олинган бўлиб, “тил”, “шева”; “сўз”, “ибора” демакдир. У бирор тилдаги сўзларни маълум тартибда (одатда алифбо тартибида) жамлаб, изоҳлаб ёки бошқа тилга таржима қилиб берилган китоб (изоҳли луғат, имло луғати, ўзбекча-русча луғат), яна бир ўринда сўз ёнги тилдаги барча сўзлар мажмуи, сўз бойлиғи ҳамдир (... Луғат бисотидан роса ахтардим... Уйғун...)[1.512.] Луғатларнинг ҳар бири ё кўрсатилган нарса ҳақида, ёки белги ҳақидаги ахборот матн билан берилади. “Ҳар қандай луғат макроструктура ва микроструктурага асосланган. У лисоний матнлар ёки металингвистик корпусига таянади. Шу хусусиятларнинг акс этиш даражасига кўра, умумий тарзда луғатларнинг қуйидаги турларини алоҳида ажратиб кўрсатишимиз мумкин: умумий луғатлар, махсус луғатлар, изоҳли луғатлар”[2.].

Умумий луғатлар ё билимнинг бир соҳасини, ё сўзнинг бир майдонини қамраб олади, махсус луғатлар тил луғатларидир (омонимлар, синонимлар, этимологиялар ва ҳ.з луғатлар), изоҳли луғатлар сўз семантик структурасини аниқлаштиришга мўлжалланган бўлади.

Мамлакатимиз мустақиллиги туфайли ўзбек лексикографияси олдида янги давр талабларига жавоб берадиган энциклопедик ва лингвистик луғатлар яратиш вазифаси қўйилди.

Биламизки, луғатлар замон нуқтаи назаридан иккига – тарихий ва замонавий луғатларга бўлинади. “Тарихий лексикография” фани ўзбек тилшунослиги тарихида луғатчилик анъанасининг шаклланиши ва унинг тарихий тараққиёти, ўтмишдаги луғатларнинг турлари, уларнинг тузилиш принциплари, луғатларда сўзларнинг изоҳланиш йўллари, шунингдек, тил тарихида сўз ва унинг маъносига муносабат, сўз маъноларининг талқини, тарихий грамматик асарларда лексикологияга тегишли билимларнинг берилиши сингари лингвистик масалаларни қамрайди. Замонавий лексикография муайян давр жамиятидаги билимлар мажмуини акс эттирувчи луғатларнинг муҳим ижтимоий вазифасини алоҳида қайд этади. Лексикография луғатлар типологиясини ишлаб чиқади. Шу жиҳатдан бир тилли лексикография (изоҳли ва бошқа луғатлар), икки тилли лексикография (таржима луғатлар), ўқув лексикография (тил ўрганишга ихтисослашган луғатлар), илмий-техник лексикология (терминологик луғатлар) ўзаро фарқланади.

Лексикография луғат тузиш иши сифатида турли халқларда ёзув тараққиётининг илк босқичларида у ёки бу тушунарсиз (эскирган, диалектал, махсус ёки хорижий тилга мансуб) сўзнинг қандай маъно англатишини билиш эҳтиёжи натижасида пайдо бўлган. Дастлабки тузилган луғатлар умумлашган, универсал хусусиятга эга бўлган (луғатларнинг турли шакллари, кўринишлари кейинги даврларда юзага келган).

Ўзбек лексикографияси тарихи Махмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асаридан бошланган, деб айтиш мумкин. Ушбу луғат фақат сўзлар ва уларнинг маъноларини тавсифлаб қолмасдан, туркий халқлар тарихи, урф-одатлари, географик жойлашуви каби кенг маълумотлар манбаи ҳисобланади. Шу билан бирга у дастлабки икки тилли (туркийча-арабча) луғатлардандир.

Ўзбек тилининг асосчиси, унинг бутун дунё тили ва адабиёти юксалишига таъсир этишида ўзининг мислсиз ҳиссасини қўшган давлат ва фан арбоби Мир Алишер Навоий ҳам, ана шундай забардаст адабиёт даҳоси бўлиб, бугунги кунда юртимизда "Навоийдан" сўзламаган, шоирнинг бирор ғазали, ё рубойиси йўқки, куйга солиниб, халқ кўнглидан жой олмаган ҳеч бир хонадон бўлмаса керак.

Айтиш жоизки, Алишер Навоийнинг бутун умри давомида яратган нодир асарлари кишини комиллик, ватанпарварлик ва инсонпарварлик каби эзгу фазилатларга ундагани сабаб, бугун нафақат юртимизда, балки бутун дунёда унинг ижодига чуқур ҳурмат билан қаралади. Шу нуқтаи назардан, адиб яратган адабий меърос катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Алишер Навоий ижодига қизиқиш 15-асрдан кейинги даврда бир қанча луғатларнинг яратилишига сабаб бўлди: "Абушқа" (16-аср, Туркия) изоҳли луғати, Толе Имони Ҳиравийнинг "Бадое ул-луғат", Муҳаммад Ризо Хоксорнинг "Мунтахаб ул-луғот", Мирзо Махдийхоннинг "Санглоҳ" луғати, шунингдек, Ишоқхон Ибратнинг "Луғати ситта ас-сина" ("Олти тилли луғат"), Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг "Келурнома", Сулаймон Бухорийнинг "Луғати чиғатоий ва турки усмоний" ("Чиғатоийча-туркча луғат") каби луғатларини санаш мумкин.

Нашр эттирилган 2 жилдли "Русча-ўзбекча мукамал луғат" кейинги даврларда Ўзбекистонда яратилган икки тилли луғатлар учун асос бўлди. Ҳозирги кунгача 50 дан ортиқ хорижий тил билан ўзбекчани қиёсловчи кўплаб таржима луғатлари, фан соҳаларига оид 100 дан зиёд бир, икки ва уч тилли терминологик луғатлар яратилди. Ўзбек халқи тарихида биринчи марта "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" тузилиб, нашр этилди. Қолаверса, луғатлар ёрдамида ўзбек адабиётшунослиги ва тилшунослигида қиёсий ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортгани сайин, Навоий яратган ижодий меъросни тадқиқ этиш баробарида уни хорижий тилларга таржима қилиш ва қиёсий ўрганишга аҳамият қаратилаётганлиги дунё адабиётшуносларини ҳам бу борада тадқиқотлар олиб боришга ва Алишер Навоийнинг ижодий меросини хорижий тилларга, жумладан, инглиз, француз ва немис тилларига таржима қилиниб, дунё аҳлига намоиш этилишига ҳам сабаб бўлди.

Жумладан, "Лисон-ут-тайр" асарини инглиз тилига таржима қилган канадалик Гарри Дикнинг Алишер Навоийга бағишланган "Кўнгил боғининг боғбони" номли мақоласи ўзбек тилида чоп этилди. Мақола муаллифи Навоийдан шунчалик таъсирланган эдики, у шоирнинг бутун ижодини тезроқ ўз юртдошларига етказиб бериш истагини билдирган ҳолда, Навоийни "шоирим" деб атади ва уни кўнгил боғининг боғбонига қиёслади. Боиси Ғарбдаги тараққиёт бўҳронлари кишиларнинг моддий-маиший турмушга берилиб кетаётгани ва оқибатда маънавий инқирозга йўл тутаётган жараёнда кимдир кўзни очиши, ёхуд Гарри Дик таъбири билан айтганда "ажриқ босиб кетган боғни тозалаб, парваришлаши керак". Шундай муҳим масалада Навоий асарларига мурожаат этилишининг ўзи-да, адиб шахси ва ижодига билдирилган юксак ишонч ҳамда эҳтиром демакдир.

2000 йилда Й.Парда, Л.Кметюк ва К.Маъмуровлар томонидан улуғ мутафаккир асарларининг инглиз ва немис тилларидаги таржимаси "Уммондан дурлар. Ғазаллар, ҳикматлар ва рубойилардан намуналар" номи билан нашр этилди. [3.]

Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган Франция давлати ўртасидаги маданий алоқаларнинг мустаҳкамланиб бориши натижасида француз олимларининг ҳам Навоий ижодига қизиқиши тобора ортаётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, 1991 йилда Orphée La Différence нашриёти томонидан чоп этилган "Gazels et autres poèmes" китобида келтирилган Алишер Навоий ғазаллари Ҳамид Исмоилов ва Жан Пьер Балп томонидан француз тилига таржима қилинган эди (traduit de l'ouzbek par Hamid

Ismailov - Alisher Navoi, Adapté par Jean-Pierre Balpe. Gazels et autres poèmes, Orphée - La Différence). Китобда таржимонлар томонидан Навоий ҳаёти ва ижодиёти хусусидаги қисқача маълумот билан бирга унинг асарлари библиографияси, шунингдек, “ғазал”, “қитъа”, “рубойй”, “чистон”, “муҳаммас”, “фард”, “мустаҳзод” каби адабий жанрлар таърифи ҳамда уларга араб ва француз тилларида намуналар келтирилган.

2008 йилда Францияда Алишер Навоийнинг 30 та ғазали таржимонлар Муродхон Эргашев ва Жан Жак Гате ҳамкорлиги остида “Gazel” номи билан “Георама” нашриётида чоп этилди (Traduction et adaptation Mourodkhon Ergashev – Jean-Jacques Gaté. Illustrations Jahongir Ashurov. Géorama.) Тўпламда Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилиниб, ғазалларининг французча таржимаси расом Жаҳонгир Ашуров томонидан ишланган миниатюралар асосида берилган. Шунингдек, мутафаккирнинг қатор рубойй, афоризм ҳамда ҳикматли сўзлари француз тилига таржима қилинган [4.30.]:

Одами эрсанг, демагил одами, Оники, йўқ халқ ғамидин ғами.

Le nom d’homme, ceux-là ne le meritent point,
Qui sont durs pour le peuple et sourds à ses besoins.

*Бефойда сўзни кўп айтма,
Фойдали сўзни кўп эшитурдин қайтма*

Évite les discours superflus et frivoles,
Mais écoute cent fois une sage parole.

Оз-оз ўрганиб, доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб, дарё бўлур.

Comme l’eau qui remplit le fleuve goutte à goutte,
Jour par jour quelque miette à ton savoir s’ajoute.

*Бу гулиан ичра йўқдир бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.*

Au jardin d’ici-bas, la rose n’a qu’une heure;
Heureux ceux dont le nom dans les siècles demeure.

*Иззат тиласанг кам де,
Сиҳат тиласанг кам е.*

Dis moins de mots pour être respecté,
Et mange moins pour garder la santé.

Демак, миллий кадриятларимиз, маънавий бой меросимизни тиклаш ҳамда уларни чуқур ва мукамал ўрганиш орқали, тарихий ва нодир асарларнинг мазмун-моҳиятини авлодларга сингдириш, аждодларимизнинг сермаҳсул ижоди — юксак манавий меросини таржима қилиб, ёш авлод қалбига Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада кучайтириш, уларнинг шуурида ушбу меросга ҳурмат, эъзоз ҳиссини шакллантириб, маданий савиясини юксалтириш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, бундай дурдона асарларни таржима қилиш дунё халқлари маданияти томон маънавий кўприк ўрнатиш демакдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. “Ўзбекистон”, Тошкент, 2010. -512 б.
2. Раҳматов М. Француз тилидаги бир тилли луғатларнинг семиологик таҳлили. (СамДЧТИ)
3. <http://uza.uz>
4. Ў.Турниёзов. Manuel de français. Навоий, 2005. – Б.30.

FRANSUZ TILIDAGI MATNLARDA TURIZMGA OID TUSHUNCHALARNI IFODALASHNING LEKSIK VOSITALARI

*Jo’rayeva M.M. BuxDU f.f.d.
Norova M.F. BuxDU magistranti*

MUNDARIJA

I SHŪBA. TILSHUNOSLIK FANINING DOLZARB MASALALARI	4
Абдувахобова М. ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКАЯ ОСОБЕННОСТЬ ПОНЯТИЯ «FAMILLE» ВО ФРАНЦУЗСКОЙ КАРТИНЕ МИРА	4
Abulova Z., Savriyeva N. INGLIZ VA O'ZBEK TILLARI ATAMALARINING TAQQOSI.....	6
Akhmedova M.B., Hamidova I.O. INTERPRETATION OF CONNOTATIVE MEANING OF WORDS IN MODERN LINGUISTIC TRENDS.....	8
Alimova Sh.M. XORAZM QIRCHOQ SHEVALARIDA ERONIY QATLAMGA OID SO'ZLAR TAHLILI	10
Amirkulova N.A., Tosheva D. THE MOST COMMON DIFFICULTIES PUPILS NOW IN ASSIMILATING ENGLISH GRAMMAR	12
Амиркулов З.В., Исмоилов Ю.Н. ЛИНГВОКУЛЬТУРЕМА ВА КОНЦЕПТ ТУШУНЧАЛАРИ КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИК ВА ЛИНГВОМАДАНИЯТШУНОСЛИК ТАЛҚИНИДА.....	13
Ачилов М.Н. КОНВЕРСИОННАЯ ТРАНСПОЗИЦИЯ И РАЗЕОЛОГИЧЕСКИЕ ЕДИНИЦЫ	17
Axmedova M.F. GOTIKA ALIFBOSINING KELIB CHIQISHI ASOSLARI.....	19
Ахмедова Д.Б. СЕМАЛАРНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК ТАЛҚИНИ ВА УЛАРНИНГ КОРПУСЛАРДА БЕРИЛИШИ	21
Бакаев Н.Б. ОБ АКТУАЛЬНОСТИ ЛАТЫНИ В НАСТОЯЩЕЕ ВРЕМЯ	23
Бердиярова Р. ҲОЗИРГИ ИНГЛИЗ ТИЛИДА ОККАЗИОНАЛ СЎЗ ЯСАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	26
Бобожонов Ш., Имомова Н., Бобожонова Ш. КЎП СЕМЕМАЛИ ЛЕКСЕМА ВА УНИНГ ИЗОҲИ	29
Vobokalonov O., Vobokalonov R. QUELQUES PARTICULARITÉS ÉTYMOLOGIQUES DES RHYTONYMES MÉDICINALES	31
Vobokalonov O. FARMAKOFITONIMIYA.....	36
Vobokalonov O. SHIFOBAXSH FITONIMLAR VA ULARNING FRANSUZCHA MUQOBILLARINING LEKSIK-SEMANTIK TAHLILI.....	37
Бобокалонов П. КАНОНИК ГАПЛАР КОМПАРАТИВ ТАДҚИҚИ.....	40
Бобоқуллова Д.Б. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СЎЗ УРҒУСИНИНГ ЧОҒИШТИРМА ТАДҚИҚИ	43
Bushuy T.A. SOCIAL-LINGUISTIC FACTORS IN THE DEVELOPMENT OF LANGUAGE	45
Gadoyeva M.I. INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI SOMATIK FRAZEOLOGIK BIRLIKLARNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	47
Dautova M.M. O'ZBEK TILIDA NUTQIY VAZIYAT VA PARALINGVISTIK VOSITALARNING NUTQDA QO'LLANILISHI.....	51
Jabborova D.Sh., Shodiyeva N.U. STORYTELLING AND ITS ROLE IN THE LESSON	54
Жумаев Э.Б. МАТННИНГ МАЗМУНИЙ ҲАМДА КОММУНИКАТИВ ЯХЛИТЛИГИ.....	56
Jumanova S. PHRASEOLOGICAL INTENSIFIER AS A MEANS OF REPRESENTING THE INTENSITY CATEGORY IN PHRASEOLOGY	58
Jumanova S. PROVERBS AS REFLECTION OF PEOPLE'S PERCEPTION OF ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES	60
Жуманиёзов З. ДИПЛОМАТИЯ СЎЗИ ТАВСИФИ ҲАҚИДА	62
Jumaniyozov A.J., Allaberganova F.I., Ibragimova A.O. SO'Z VA SO'Z BIRIKMALARI TALQINI	66
Jumaniyozov A., Polvanova N., Allaberganova F. QO'SHMA SO'ZLAR IMLOSI	70
Жўраева М.М. ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ЭРТАКЛАРИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР	75
Жўраева М.М., Ҳоҗиева Г.С. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШ ЛУҒАТЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШИГА САБАБ БЎЛДИ.	77
Jo'rayeva M.M., Norova M.F. FRANSUZ TILIDAGI MATNLARDA TURIZMGA OID TUSHUNCHALARNI IFODALASHNING LEKSIK VOSITALARI	80
Жўраева М.М., Очилова М.М. «ЭРТАК», «ЭРТАК КОНЦЕПТИ» ВА «ЭРТАК ФРЕЙМИ» ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР	82
Jo'rayeva N.Sh. FRANSUZ TILIDA "EVFEMIZM" VA "TABU" TUSHUNCHALARINING XUSUSIYATLARI HAQIDA	85